

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 7 декабрь
сешанба
№ 49 (1305)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

fb.com/hudud24official/

t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

ОБУНА БЎЛИНГ: "Инсон ва қонун" газетаси — адлия тизими ходимлари ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини англашга интилувчиларнинг нашри

Раҳмат, таҳририят!

"Инсон ва қонун"га шикоят хати ёздик. Мақола чоп этилди. Йўлимиз таъмирланди. Раҳмат, таҳририят!

Олтибой ҳожи ДЕҲҚОНОВ,
Пайариқ тумани, "Накурт" маҳалласи фаоли

ОБУНА — 2022 ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"Инсон ва қонун"га обуна бўлинг. Обуна почта ва матбуот тарқатувчи идоралари ҳамда "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази шартномалари орқали тўғридан-тўғри амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир адлия ходимининг ўзи шахсий намуна кўрсатади, деб умид қиламиз.

Обуна учун масъул бўлим: (97) 430-19-69
(90) 176-54-42

Машинам ўзимда қолди!

Борингизга шукр, газета ходимлари! Сизларга шикоят йўлладим. Мақола эълон қилдингиз. Муаммо ҳал бўлди. Машинам эса ўзимда қолди.

Тоҳиржон Холиқчаев,
Чуст тумани, пенсионер

Танқиддан тўғри хулоса қилдик

Газетада танқидий мақола берилди. Натижада қаламга олинган мактабдаги ҳолатлар ўз тасдиғини топиб, барча муаммолар бартараф этилди.

Ҳайитбой Очилов,
Каттақўрғон тумани Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари

Бузилган боғим учун

8 йилдан кейин компенсация олдим

Бормаган идорам, кирмаган эшигим қолмагач, охири "Инсон ва қонун"да танқидий мақола эълон қилишларини сўраб, таҳририятга мурожаат қилдим. Мақола чоп этилди. 8 йиллик сарсонлигим тугади — бузилган боғим учун компенсация олдим.

Салим Хазратов,
Навоий шаҳри, меҳнат фахрийси



БИЗ ШУ ДАРАЖАГА ЕТДИК:

**БЕҲАЁЛИК ВА ВАҲШИЙЛИК
ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНМОҚДА**

7-БЕТ

**"МАЖБУРИЙ ОБУНА ҚИЛГАН
ИДОРАДАН ХУРСАНДМАН..."**

8-БЕТ



3-БЕТ

ЖАРИМА МИҚДОРINI КАМАЙТИРА ОЛАМАНМИ?

— Менга суд томонидан жарима белгиланди, мен тайинланган жариманинг 70 фоизини тўласам, қолган 30 фоиздан озод қилинаманми?



— Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 332¹-моддасига кўра, "Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;
- жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;
- худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда.

Шунга кўра, ушбу моддага асосан сизга суд томонидан жарима тайинланган бўлса, сизга имтиёз берилмайди. Тайинланган жаримани тўлиқ тўлашингиз лозим.

ЎҚИНГ, БИЛИБ ОЛИНГ! БУ ҲАМ ҚИЗИҚ!

Энг қадимги Конституция

КўПЧИЛИК дунёдаги ilk Конституция АҚШда ишлаб чиқилган деб ҳисоблайди, лекин ундай эмас! Энг қадимги Конституция Польшага тегишли. У 1792 йилда қабул қилинган.



Қисқа ва ўзгармас Конституция

АҚШ Конституцияси дунёдаги энг кичик ва ўзгармас Конституция ҳисобланади. У рекорд даражада қисқа бўлиб, 4,4 мингта сўздан иборат. Қизиғи, АҚШ Конституциясида “демократия” сўзи ёдга олинмаган.



Лотерея ёрдамида қабул қилинган Конституция

Исландия энг демократик тарзда тузилган Конституцияси билан мақтаниши мумкин. У лотерея ёрдамида танланган 950 нафар фуқаро томонидан тузилган.



Конституцияси йўқ давлатлар

Дунёнинг кўпчилик давлатлари ўз конституциясига эга. Барча қонунлар ушбу конституцияга мувофиқ келиши лозим. Лекин дунёда расмий пойтахти, армияси, Конституцияси йўқ давлатлар ҳам бор.

Ривожланган давлатлар ҳам Конституциядан воз кечгани қизиқ! Бу давлатларда ҳам одамлар кўнгилдагидек яшамоқда. Масалан, Буюк Британияда Конституция йўқ. Британия ҳуқуқи битта ягона тамойилга асосланади: “Ҳар ким қонунда тақиқланмаган нарсани қилишга ҳақли”.

Канада, Янги Зеландияда ҳам Конституция йўқ. Швецияда эса, умумий Конституция йўқ, лекин қонунлардан баланд турувчи актлар мавжуд. Ливияда узок йиллик урушлар натижасида Конституция бекор қилинган. Кейинчалик Конституцион ассамблея тузилган ва бу ҳужжат устида ишланган.



Конституцияси кўп янгиланган давлат

Францияда мунтазам равишда юз берган инқилоблар Асосий қонуннинг тез-тез ўзгаришига сабаб бўлган. Ҳозиргача Францияда 15 та Конституция қабул қилинган. Уларнинг айримлари ишлаб чиқилиш ҳолатида бўлган. Мамлакатнинг ҳозирги Конституцияси эса, 1958 йилда қабул қилинган.



Конституцияси бўлишига интилаётган давлат

Конституциясиз яна бир мамлакат — Исроилдир. Исроилда 70 йилдирки уни яратишга ҳаракат қилинади. Ҳозирча жамятнинг дунёвий ва диний вакиллари орасидаги келишмовчиликлар бунга йўл бермаяпти.



Энг ёш Конституциялар

Бугунги кунда Африка мамлакатлари энг ёш Конституцияларга эга. 39 та Африка давлатининг 19 тасида Конституция 2000 йилдан кейин ёзилган.

Ватикан Конституцияси бизга таниш бўлган асосий қонунлардан анча фарқ қилади. У кичик ҳажмда бўлиб, асосан Рим Папасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Конституция 2001 йилда қабул қилинган.



Катта ва мураккаб Конституция

Ҳиндистон Конституцияси 1950 йилда қабул қилинган. У дунёдаги энг катта ва мураккаб Конституция ҳисобланади. Бу Конституция 395 та модда, 12 та иловадан ташкил топган. Ҳозиргача унга 500 дан ортиқ тузатишлар киритилган. Ҳиндистон Конституцияси шу қадар мураккаб тилда ёзилганки, ҳаттоки мамлакат аҳолисининг ўзи ҳам баъзан уни тушунишга қийналади.



Асосий Қонун — муқаддас китоб


Диний қоидалар Конституциядан муҳимроқ ҳисобланган давлатлар ҳам бор. Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони, Покистон шундай давлатлардир.

Саудия Арабистонида Конституциянинг биринчи моддаси куйидаги мазмунга эга: “Саудия Арабистони Қироллиги — суверен араб ислом давлати. Унинг дини — Ислоҳ, Конституцияси — Буюк Оллоҳ Китоби ва унинг Пайғамбар дир, тили — араб тили, пойтахти — Ар-Риёд”. Саудияликлар Конституцияга эмас, балки Қуръонга қасамёд қиладилар ва шарият қонунлари бўйича яшайдилар.



Матбуот эркинлигини таъминловчи Конституция

Мисрнинг асосий Қонунинда бутун бир бўлим матбуотга бағишланган. Конституция ОАВ эркинлигини кафолатлайди ҳамда газеталар мусодара қилиниши ва ёпилишини тақиқлайди. Ҳужжатда матбуот тўртинчи “мустақил халқ ҳокимияти” сифатида талқин этилган.



Урушдан воз кечган Конституция

Конституцияга биноан энг осойишта давлат Япониядир. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан, АҚШ оккупациясидан кейин Японияда 1947 йилда абадий пацифизмни назарда тутувчи асосий қонун қабул қилинган.

Япония Конституциясининг уч асосий тамойили бор: халқ суверенитети, инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, пацифизм, яъни миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушдан воз кечиш.

Гарчи, Япония Конституциясининг 9-моддасига биноан келажакда уруш олиб бориш ҳуқуқидан ҳамда қуруқлик, денгиз ва ҳаво ҳарбий кучлари тузиш ҳуқуқидан абадий воз кечилган бўлса-да, бугунги кунда Япония ҳарбий харажатлари бўйича дунёда 5-ўринда туради.

МУНТАЗАМ КУЗАТИНГ!

Ҳаётда сиз дуч келадиган саволлар, уларнинг ечими газетамиз саҳифасида



Саҳифада QR-кодлардан фойдаланилган.

Сиз ушбу QR-кодларни смартфонингиз орқали сканерлаб, жавобларда келтирилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишингиз мумкин.



СУБСИДИЯ ДОИМИЙ РЎЙХАТГА АСОСАН БЕРИЛАДИ

— ХОРАЗМ вилоятида доимий рўйхатда турман, Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатдан ўтганман. Тошкент шаҳридан уй-жой сотиб олиш учун субсидия олишим мумкинми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жойларни куриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомига асосан уй-жой сотиб олиш учун субсидия фуқароларга рўйхатга олинган доимий яшаш жойи бўлган ҳудуд доирасида ажратилади. Шунга асосан сиз Хоразм вилоятидан уй-жой сотиб олиш учун субсидия олишингиз мумкин.



БЕТОБЛИГИМ САБАБЛИ АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИГИМ МУМКИНМИ?

— Бир нафар вояга етмаган фарзандимнинг моддий таъминоти учун суд қарорига асосан алимент тўлайман. Узоқ муддатга бетоб бўлиб алимент тўлай олмадим. Шу сабабли алиментдан қарздорлик юзага келди. Ҳозир қарздорликни тўлашга имконим йўқ. Шу қарздорликдан озод бўлиш мумкинми?

— Оила кодексининг 141-моддасига асосан алимент тўловчининг даъво аризасига биноан суд алимент тўлаши шарт бўлган шахс қасаллиги сабабли алимент тўламаганлигини аниқласа ҳамда унинг моддий аҳволи йиғилган алимент қарзни тўлашга имкон бермайди деб топса, уни алимент қарзларини тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга ҳақлидир.



ТУҒИЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМАНИ ҚАЕРДАН ОЛАМАН?

— Чирчиқ шаҳрида яшайман, фарзандим Тошкент шаҳрида дунёга келди. Унга туғилганлик гувоҳномасини Тошкент шаҳрида олишим мумкинми?

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига асосан бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли фарзандингиз Тошкент шаҳрида туғилган бўлса, унга Тошкент шаҳридан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишингиз мумкин.



ФАРЗАНДЛАРИМНИНГ МЕРОС ОЛИШ ҲУҚУҚИ ЙЎҚОЛИШИ МУМКИНМИ?

— Турмуш ўртоғим суднинг қарорига асосан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, энди фарзандларимнинг мерос олиш ҳуқуқи йўқоладими?

— Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 81-моддасига асосан агар мазкур бола фарзандликка олинган бўлмаса, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.




БЕМОР БОЛАГА БОҒЧА УЧУН ТЎЛОВ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

— Фарзандим касал бўлганлиги учун 15 кун боғчага бормади. Тарбиячиси эса, 1 ойлик тўловни тўлиқ тўлашимни талаб қилмоқда, унинг талаби тўғрими?

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 25 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Мактабча таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги” Низомга кўра, боланинг ёки оила аъзоларининг касаллиги тегишли даволаш-профилактика муассасаси ёки участка шифокори томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланган бўлса, болага боғчага келмаган кунлари учун тўлов тўланмайди.



Саволларга “Мадад” ННТ бош мутахассиси
Аброр ЭЗОЗХОНОВ жавоб берди.



advice.uz
Бепул ҳуқуқий мадад олинг!

Бўлимлар

- Шаҳарсозлик масалалари;
- Меҳнат муносабатлари;
- Оилавий муносабатлар;
- Уй-жой, ер ва коммунал масалалари;
- Фуқаролик / Миграция;
- Ватандошлар;
- Соғлиқни сақлаш;
- Пенсия ва ижтимоий ҳимоя;
- Ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзлар;
- Таълим;
- Суд-ҳуқуқ масалалари;
- Тадбиркорлик;
- Солиқлар;
- Банк соҳаси ва сўғурта;
- Давлат хизматлари;
- Транспорт;
- Божхона масалалари;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- Истеъмолчи ҳуқуқи;
- Гендер тенглик ва хотин-қизлар масалалари;
- Чет элликларга эслатма;
- Туризм;
- Экология;
- Ахборотлаштириш;
- Маълумотлар.

МУҲИМИ, БИЗ ОДАМЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРАЯПМИЗ. АДЛИЯНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҲАМ ШУ!



**АРОСАТДА
ҚОЛГАН СПОРТ
ТАРҒИБОТЧИЛАРИ**

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН Республикаси адлия вазирлиги Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий вакили билан Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси давлат органлари ва ташкилотларида ўрганилди. Ўрганиш давомида маҳаллий ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси давлат Солиқ бошқармаси, Мактабгача таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва Туризм ва спорт бошқармаси ҳамда уларнинг айрим туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 36

нафар “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифаси юкланган ходимларга 70 миллион 763 минг 764 сўм устама пули тўланмасдан келинганлиги аниқланди.

Шунингдек, 10 га яқин вазирлик ва бошқармалар томонидан тегишли ходимларга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорда устама белгилаш Фармонида белгиланган муддатдан 5-8 ой ўтиб амалга оширилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида Фармонда белгиланган талаблар ижроси умуман таъминланмаганлиги, яъни тегишли ходимга “Спорт тарғиботчиси”

кўшимча вазифаси юклатилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида вазирлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 10 та тақдимнома, амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини бузган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг туман (шаҳар) марказларига 31 та маъмурий таклиф ҳамда тегишли судларга 65 миллион 742 минг 452 сўмлик 34 та даъво аризаси киритилди.

Элмурод ТУРСУНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси адлия вазири
ўринбосари

ЖИЗЗАХ

АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ — ПУЛ УНДИРИЛДИ

ГУЛИСТОНЛИК фуқаро М.Хажатов 2005 йил 5 декабрда Жиззах вилоят патологоанатомия бюросига врач патологоанатом лавозимига ишга қабул қилинган. 2006 йил 11 июлдан эса вилоят патологоанатомия бюроси бошлиғи лавозимига тайинланган. Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг 2015 йил 18 июндаги буйруғига асосан меҳнат шартномаси бекор қилиниб, 2015 йил 19 июндан вилоят патологоанатомия бюросига врач патологоанатом лавозимига ишга қабул қилинган. 2015 йилнинг 23 декабрда эса у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

М.Хажатов фойдаланилмаган таътил учун компенсация пулини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан Жиззах вилоят патологоанатомия бюроси ўз жавоб хатида М.Хажатовга ҳақиқатан ҳам 2005-2015 йилларда ишлаган даври учун меҳнат таътили пулларини тўлаб беришни маълум қилган бўлса-да, бироқ ушбу маблағ тўлаб берилмаган.

Шундан сўнг адлия бошқармаси томонидан М.Хажатовга 2005-2015 йиллар учун фойдаланилмаган таътил учун тегишли бўлган компенсацияни Жиззах вилоят патологоанатомия бюроси ҳисобидан ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва даъво қаноатлантирилди.

Қизлархон САИДОВА,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

КАШҚАДАРЁ

Собиқ юрисконсултга МУКОФОТ ПУЛИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

КАШҚАДАРЁ вилоят адлия бошқармасининг “Ишонч телефони”га Китоб туман давлат солиқ инспекцияси собиқ бош юрисконсулти Б.Маматов инспекция фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган мукофот пули тўлаб берилмаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди.

Утказилган ўрганиш натижасига кўра, адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судига Б.Маматовнинг манфаатини кўзлаб, Китоб туман давлат солиқ инспекцияси ҳисобидан инспекция фойдасига ҳал қилинган низолар бўйича мукофот пулини ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, даъво аризаси қаноатлантирилиб Б.Маматов фойдасига 13 миллион 77 минг 750 сўм мукофот пули ундириб берилди.

Яна бир юрисконсулт ҳам ЎЗ ПУЛИНИ ОЛОЛМАГАНДИ

Қашқадарё вилоят “Тоza худуд” ДУК етакчи юрисконсулти Б.Юлдошевнинг қорхона томонидан унга белгиланган тартибда меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича лавозим разряди асосида тўлов тўлаб берилмаётганлиги тўғрисидаги мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди.

Адлия бошқармаси ходимларининг аралашуви билан етакчи юрисконсулт Б.Юлдошевнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича лавозим разряди қайта кўриб чиқилиб, унга 11 миллион 500 минг сўмлик тўлов тўлаб берилиши таъминланди.

Алишер ИСОҚОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари

КАШҚАДАРЁ

ҚАРШИ шаҳар “Эски анҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро С.Юсуповнинг савдо дўкони биноси Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилган, аммо компенсация пули тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган фуқаро Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Мурожаат бошқарма томонидан ўрганилиб, С.Юсуповнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

**САВДО ДЎКОНЛАРИНИ-КУ
БУЗДИНГИЗ,**

**УЛАРНИНГ ПУЛИНИ
ТЎЛАМАЙСИЗМИ?**



Суд томонидан жавобгар — Қарши шаҳар ҳокимлигидан С.Юсуповнинг фойдасига 203 миллион 629 минг 947 сўм компенсация пули ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан Муборак тумани, “Ёшлик” маҳалласидаги “Туркистон” кўчасида жойлашган “Камолбек Инвест” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган савдо дўкони биноси Муборак туман ҳокимлиги томонидан бузилган бўлса-да, компенсация пули тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ҳам ўрганилиб, натижаси юзасидан тадбиркорнинг манфаатида Косон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилган.

Даъво ариза суд томонидан кўрилиб, жавобгар — Муборак туман ҳокимлигидан “Камолбек Инвест” МЧЖ фойдасига 321 миллион 665 минг 900 сўм компенсация пулини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Шоҳрух БАҲРОНОВ,
Қашқадарё вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими



**БОШЛИКНИНГ БАҲОНАСИ ЎТМАДИ,
ХОДИМГА 38 МИЛЛИОН СЎМ ТЎЛАНДИ**

БОЁВУТЛИК фуқаро К.Усмоновни кўндан бери бир муаммо қийнаб келётган эди. Гап шундаки, К.Усмонов 1986-2021 йиллар давомида тумандаги 31-сонли умумтаълим мактабида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимини фаолият юритган. Унинг вазифасини бажара оладиган ходим йўқлиги сабабли ўттиз олти йилдан ортиқ давр мобайнида атиги 3 мартаба меҳнат таътилига чиққан ҳолос.

Боёвут туман халқ таълими бўлими мудирининг 2021 йил 30 июлдаги тегишли буйруғига асосан К.Усмонов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Бироқ бир неча бор туман халқ таълими бўлимига қарамай, турли баҳоналар билан собиқ ходимга тўланиши лозим бўлган фойдаланилмаган таътиллар учун компенсация тўлаб берилмади.

Шундан сўнг К.Усмо-

нов туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Ушбу мурожаат бўлим томонидан ўрганилганда халқ таълими бўлими масъул ходимларининг амалдаги қонунчиликдан етарлича хабардор эмаслиги, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 151-моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий

ва кўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланиши белгиланган.

Натижада туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, собиқ директор ўринбосарига 34 йиллик фойдаланилмаган таътил учун 38 миллион 952 минг сўм миқдорда компенсация ундириб берилди.

Атабек ХАЛМАТОВ,
Боёвут туман адлия
бўлими бошлиғи

Биз нима бўлганда ҳам аёлмиз...

Аёл ҳақида гапирсак, қалбимизда гўзаллик ва меҳрибонлик тимсоли мавж уради. Аёлни эслаганимизда, тунларни бедор ўтказиб, боласига алла айтаётган мунис ва мўтабар она сиймоси кўз олдимизда намоен бўлади. Булар аёлнинг китоблардаги қиёфаси...ку, дейсизми?!

Тўғри, кейинги йилларда давлат ва жамият қурилишида эркаклар билан бир сафда хизмат қилаётган аёллар сафи кенгайди. Аммо бу билан аёлнинг ҳаётдаги, оиладаги мақоми гуллаб-яшнаб кетмади. Аксинча... Аёл деса одамларнинг кўз олдига кўпол, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган назокатсиз, ўзини идора қила олмайдиган даражадаги бетамиз замондошимиз ҳам келадиган бўлди. Аёл чидаб бўлмас даражада дағаллашди. Яна ҳам яқинроқ назар соладиган бўлсак, бозорлардаги кўполлашган, эркакча сўкинишда эркакларни ҳам ортда қолдирадиган, бу борада эркакларга ҳатто дарс берадиган бети қаттиқ аёл башарасига дуч келамиз. Ҳеч нарсадан тап тортмай, аёллиги ва аёл ҳар қандай вазиятда ҳам аёл бўлиб қолиши кераклиги эсидан чиқиб, кўча-кўйда соч юлишиб, муштлашадиган шармандаликни шиор қилиб олган безори, разил аёллар билан ёнма-ёнмиз, биргамиз... Афсуски, бу ҳақиқат...



Нега шундай бўлаяпти? Нега?

Ўзи тирик бўла туриб, фарзандини меҳрибонлик уйига топширган она, ўз боласини пулга сотаётган ноқўр... Ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ, бу ҳолат ҳамма замонларда ҳам бўлгандир, эҳтимол... Лекин, булунги кунимизда шунчаки бир ҳолатга айланиб қолмаяптими-кан, бу фожиа?

Ўта кетган фарибгар, кўзбўямачи, ўзимизни ерга ураётган "самосуд"даги "тажриба" миздан кўз юмолмаймиз. Оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган аёлнинг юраги қилт этмасдан яшашда давом этиши қанчалик тошбағирлик ва худбинлик! Бугун ўз танасини сотиб, шарму ҳаёсиз кўчалардаги қилмишлари бир кунги ёқасидан олишини, миллатимизга иснод келтиришини ўйлаб кўрмаётган аёлни лаънатлаш камлик қилади. Аёл деган муқаддас сўз нега қалбимизни



лар, керакли ҳужжатларни олиб ноқўрлар ғойиб бўлиши. Фарҳод ака нафақат соғлигидан, балки кўп нарсадан айрилган эди...

Ким айбдор? Қарс ҳам икки қўлдан...

Бу хулосамизни, яъни — аёлнинг бу қадар беҳаёлиги, беорлигига, безбет ва бетамизлигига эркаклар кўпроқ айбдор, деган фикримизни инкор эта олмайсиз! Чунки эркак ҳақиқий оила раҳбари бўлган жойда бундай шармандаликка йўл қўйилмайди. Аёл зотининг юртимиздан ташқарида ва ичкарида миллат шаънига доғ тушираётган барча хунук иллатлари учун, тарбиясиз деган тамгани олаётгани учун аслида аёлини чет элларга ишга юбориб, ўзи у юборган пулларга айшу ишрат қилиб юрган эркак-

АЁЛНИНГ СИНГАНИ — ЭРКАКНИНГ ЎЛГАНИ!

меҳрга эмас, кўпроқ қаҳрга, нафратга, ларзага соладиган даражага етди?! Бундай ҳолга ортиқ томошабин бўлишни ҳам кечириб бўлмайди.

Тарихда миллатнинг ақл чирроғи, ор-номуси бўлиб порлаган буюк аёллар кўп ўтган. Бугун ҳам жамиятда гўзаллик ва ҳаё, ақл-идрок тимсоли бўлган аёлларимиз бор. Лекин...

“Эри йўқлигида чўпоннинг хотини нима қилганлигини кўринг”

Америкада яшаётган устозимнинг интернетдаги саҳифасида ривоятга ўхшаган ҳақиқат тасвирини ўқиб, излаган нарсамни топгандек бўлдим... Сарлавҳасини ўқиб, ёмон аёллардан Худо асрасин деб пичирлайман, кўзларимга бирор ноқўра сўз тушмасин деб юрагимни ҳовучлаб ривоятни ўқийман. Мана ўша ҳаётий ривоят:

“Қишлоқ аҳли сигирлари ва қўйларини боқадиган чўпон бор эди. У шу тирикчилик билан кун кўрарди. Чўпоннинг оқила хотини бўлиб, ҳамма бу оилга ҳавас билан боқарди. Қишлоқдаги эрлар хотини билан жанжаллашиб қолишса, бор, чўпоннинг хотинидан ибрат ол, дейдигани бўлишибди. Бир кун қишлоқ раиси ҳам турмуш ўртоғи билан тортишиб қолибди. Шунда раис, ҳов жувонмарг, бор, маданиятни чўпоннинг хотинидан ўрганиб кел, дебди. Мен нега ундан ўрганишим керак, бирор жойда ўқи-маган бўлса, қўлида бир хунари бўлмаса, аксинча у мендан ўргансин, дебди. Эри қўл силтаб уйдан чиқиб кетибди.

Раиснинг бу қилиғи хотинига алам қилибди. Борсам борганим бўлсин, деб чўпоннига йўл олибди. Борса, чўпоннинг хотини ҳовлида офтобда туриб қолган идишдан сув олиб ичар эди. Раиснинг хотини унга мурожаат қилиб, шу сувдан ўзига ҳам озроқ беришини сўрабди. Чўпоннинг хотини, “Бу сув исиб қолган, бироз кутинг, сизга ичкаридан муздай сув олиб чиқаман”, дебди. Раиснинг хотини рози бўлибди, аммо ўзингиз нега бу исиб қолган сувдан ичяпсиз, деб сўрабди.

— Эҳ, хоним, — дебди чўпоннинг хотини, ҳозир эрим жазирамада мол боқиб юрибди, ўзи билан олиб кетган мешдаги сув ҳам, ҳайнаҳой, илиб кетгандир. Эрим у ёқда илимилиқ сув ичса-ю, мен уйда муздай сув ичсам, адолатдан бўладими? Унда менинг хотинлигим қаерда қолади, деб жавоб қайтарибди.”

Куйидаги қадим ҳикматда ҳам айна ҳақиқатни англайсиз:

“АЁЛ ЖАМИЯТНИНГ ЯРМИ ДЕЙИШАДИ. ЙЎҚ, У ЖАМИЯТНИНГ ҲАММАСИДИР. У ЖАМИЯТНИНГ ЯРМИ БЎЛИБ, ҚОЛГАН ЯРМИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ...”

Макр матонату муҳаббатни ҳам “майиб” қилади

Ёмон аёлнинг макри кўп. Бутун умр бўйи вилоят ташкилотларида яши мансабларда ишлаган, пичоғи доимо ёғ устида бўлган Фарҳод ака (шаҳсан танимман, исмини ўзгартирдим) аёли оламдан ўтгандан сўнг,



оиласи билан тинчгина яшаётган болаларига ортиқча юк бўлишдан қочиб, ёлғизликка унча бардоши йўқлигидан ўзидан анча ёшроқ аёлга уйланишга қарор қилди. Давлати беҳисоб эмасми, янги оила бекаси ва ичувчи, чекувчи отадан қочиб келган қизларига тўқис шароитли дангиллама ҳовлида яйралиб яшашдек катта бахтни инъом этди. Ўғай ота қизларга ўз отаси кўрсатмаган меҳр ва саховатни кўрсатди. Борини улاردан аямади. Қизларни ўқитди, яхши жойларга узатди. Ҳеч кимдан ками йўқ хонадон бекаси ҳам тилаганини тилаб, бойвучча аёлга айланди. Уй-жойлар, машина ва хусусий корхоналарнинг бир қисми беканинг номига ўтказилди.

Орадан анча йиллар ўтди... Кексалик ҳам эшик қокди. Тантик қизлардан бири оила юқини кўтара олмай, уйга қайтиб келди. Насиҳатлар, оиланинг имтиҳонларидан ўтишга берилган имконлар унга кор қилмади. Қизи ажралиб келгач, она-боланинг нияти ўзгарди.

Пухта режалар билан уйдаги пуллар ва қимматбаҳо буюм-

лар, қизларининг ярим яланғоч кийинишларини, қулогига тўртта сирга таққани етмагандек, бурнига ҳам сирга тақиб олгани-ю, тунларини чилимхоналарда ўтказётганини қўриб-кўрмасликка олаётган, ахлоқсизлиги учун икки ишлар идораларига тез-тез “меҳмон” бўлаётган юзи қора эркатойларининг қилмишларини кечираётган оталар айбдор эмасми?

“АГАР ЖАМИЯТДА АЁЛДАН ОР-НОМУС, ҲАЁ КЎТАРИЛГАН БЎЛСА, БИЛИНГКИ, БУ НАРСАЛАР БУНДАН АВВАЛРОҚ ЭРКАКЛАРДА ЙЎҚОТИЛГАН БЎЛАДИ...”

деган фикрга қўшилмай иложимиз йўқ.

Машҳур “Калила ва Димна” асаридида “Ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди...” дейилган жумлалар бор. Аёл ва ҳаё ҳам худди шундай. Энг қимматли нарсаларимизни йўқотмайлик!

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



ФОТО ФАКТ

ЭКИНЗОРЛАРИМИЗ САНОАТ ЧИҚИНДИСИГА ТЎЛА

логия ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, вилоят ва туман ҳокимликлари мансабдорлари ва мутахассислари нега шу ҳақда ўйламайди?!



Юқоридаги масъуллар ҳамкорликда, бир жойга тўпланиб, ҳозирги кундаги энг ёмон муаммо — қимматли экин ерларимизнинг маиший чикиндилар, саноат чикиндилари билан ифлосланишининг олдини олмасангиз бўлмайди!

Инновация деясизлар, ренессанс сўзи тилларингдан тушмайди, қандайдир цивилизация марказларини қурмоқчи бўласизлар, лекин оддий маиший чикиндинни йиғиштиришни, Ерни, тупроқни, сувни тоза асрашни билмайсизлар! Маиший чикиндилар, саноат чикиндилари билан ифлосланган экин ерларимизда эрта бир кун янгол ҳам ўсмайди. Эртага кеч бўлади, мамлакатимизнинг энг биринчи бойлиги ҳисобланган экин ерларимиз ҳосил бермай қўяди.

**Раҳимжон РАҲМАТ,
Фаргона вилояти Данғара
тумани**

Маҳалла раисига дейман:

— Аҳолига айтинг, чикиндини ариққа оқизмасин. Чикинди муаммосини ҳал қилинглар. Одамлар “Тоза худуд” билан шартнома қилсин. Ахир, бир ойга бир кишига 2 минг сўм экан. Арзон-ку! Эшигингизга машинасида келиб олиб кетади.

Раис айтиди:

— Одамларга айтилган, қулоқ солмаяпти.

Мен:

— Қулоқ солмаганларни жаримага тортириг.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимига айтман:

— Қарасаларинг бўлмайди, ҳаммаёқ ахлатга тўлиб кетди.

Ходим айтиди:

— Ўзи одамларга оғохлантириш хати тарқатишим керак...

Мен:

— Таркат. Нега шу пайтгача тарқатмагансан?


Амалда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, ариқларимиз, экинзорларимиз, топ-тоза бордиқ ахлатга бурканаяпти. Камбағаллик ва ғарибликнинг асосий белгиси шу — чикинди ҳисобланади. Қасрдаки оломон уни эҳтиёт қилмас экан, ўша ерга қашшоқлик ва мусибат келади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Эко-

ЧОРАК АСР — ИНСОН ҲИМОЯСИДА



INSOŢ HUUQULARI BO'YICHA
UZBEKISTON RESPUBLIKASI HUKUMATI



хуқуқлари бўйича кенгаши раиси В.Фадеев, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Цзян Янь, К.Аденатур номдаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Хайне Марказининг 25 йил давомида мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва асосий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришга салмоқли хисса қўшиши билан бир қаторда ушбу йўналишда халқаро миқёсда ҳам фаоллик кўрсатаётганлигини таъкидлаганлар.

Журналда мамлакатимиз Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Тошкент молия институтининг профессори Т.Норбоевларнинг мақолаларида Асосий қонунимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор аҳамиятга эгаллиги илмий асосда таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналда “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари”, “Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон тажрибаси”, “Жамият ва ҳуқуқ”, “Тарих саҳифаларида” руҳлари остида берилган олимлар ва ҳуқуқшуносларнинг мақолаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ислохотлар самарадорлигининг асосий мезони эканлиги, тadbirkorликнинг ҳуқуқий асослари, гендер тенглигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашдаги роли ва бошқа мавзулардаги илмий мақолалари эълон қилинган.

ИНСОН ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташкил этилганига 25 йил бўлди. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг 2021 йилдаги 4-сон асосан ушбу юбилей санасига бағишланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари М.Бачелет, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ижроия директори М.Бут, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон

Тоза сувнинг қадрига ет, ЭЙ, ИНСОН!



Чучук сув — энг ноёб неъмат

Биз дунёда сув кўп, деб ўйлаймиз. Сабаби, сув сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини қоплайди. Бу миқдорнинг атиги 3 фоизини эса, чучук сув, яъни ичиш учун яроқли сув ташкил қилади, холос! Сув манбаининг катта қисми музликларда жойлашгани сабабли унинг кўп қисмини ишлатиш мумкин эмас.

Музликлар сув манбаими?

Ернинг жами 90 фоиз музликлари Антарктикада. Дунёдаги 10 фоиз музликлар эса, Гренландияда. Гренландия музликларининг қалинлиги ўртача 1,500 метр, баъзи жойларда эса, 4,300 метргача боради.

Дунё сув захирасидан 96 фоиздан ортиги шўрланган сувдир. 68 фоиздан ортиқ чучук сув музликларда жамланган. Яна 30 фоиз чучук сув ер остидадир. Дарё ва кўллар каби ер усти чучук сув манбалари фақатгина 93,100 куб километри ташкил қилади, бу жами сувнинг бир фоизининг 1/700 қисмигагина тенг, холос. Ваҳоланки, дарё ва кўллар одамлар ҳар куни фойдаланадиган сувнинг асосий манбаидир.




Асосий сув кўлларда, океан ё дарёларда эмас!

Чучук сув Ер юзидagi тириклик учун жуда зарур ва жуда танқисдир. Ердagi чучук сув кўллари ва ҳовузлари барча чучук сувнинг 0,29 фоизини ташкил қилади. 20 фоиз чучук сув биргина кўлда — Осиёдаги Байкал кўлидадир. Қолган 20 фоиз чучук сув АҚШдаги Буюк кўлларда — Гурон, Мичиган ва Юқори кўлда жамланган. Дарёлар дунёдаги мавжуд бўлган чучук сувнинг 0,006 фоиз қисмини ўзида ушлаб туради, холос.

Балиқларга ҳам чучук сув кераклигини биласизми?

Ер сатҳидаги сув тирикликни, ҳаётни сақлаб туради. Ер ости сувлари ҳам фақатгина ер усти сувлари оқиб тушгани учун мавжуд. Биз шўр океандаги балиққа чучук сув шарт эмас, деб ўйлаймиз. Лекин чучук сув океанларни тўлдириб турмаганида океан сувлари бўғланиб, балиқлар ҳаёт кечира олмайдиган шўр сув ҳосил бўлар эди.




Бир миллиард одам сувсизликка маҳқум

Дунёдаги бир миллиард киши тоза сув ичиш имкониятига эга эмас. Ер юзининг ҳар олтинчи одами камида бир марта тўйиб сув ичишни оруз қилади. Дунёда тоза ичимлик суви ҳашамат саналадиган минтақалар ҳам мавжуд.

Сув ҳам ҳаводай зарур

Инсон ўз ҳаёти давомида 35 тонна сув ичади. Сув тана учун кислороддан кейинги энг зарур модда ҳисобланади.


Юрак саломатлиги учун етарли миқдорда сув зарур. Кузатишлар кунига 6 стакан сув ичган одамларнинг юраги 2 стакан ичган одамларга қараганда соғлом бўлишини кўрсатди.



Сувсизланиш хавфли

Ҳар куни ўртача 2 литр сув организмдан буйрақлар, ичак, ўпка ва тери орқали ташқарига

чиқарилади. Тахминан 0,5 литр суюқлик нафас чиқарилиши натижасида йўқотилади. Агар мана шу чиқарилаётган сув ўрни тўлдирилмаса, организм сувсизланади.



Инсон танасида сувсизланиш ҳолати тана вазнининг 2 фоизига тенг миқдорда сув йўқотганда юзага келади. Тана вазнининг 10 фоиздан кўпроқ сувсизланиши ҳаёт учун хавфли. Танадаги сувнинг 12 фоизи йўқотилганда эса, уни шифокорлар ёрдамисиз тиклаб бўлмайди.

Сизга бир йилда 60 тонна сув кераклигини биласизми?!

Мутахассисларнинг аниқлашича, бир йил давомида бир киши 60 тонна сувини фақат озиқ-овқат орқали истеъмол қилади. 1 килограмм картошка-ни етиштириш учун 100 литр, 1 килограмм гуруч олишда — 4000 литр, 1 килограмм мол гўшти учун — 13 000 литр сув сарфланади. Битта гамбургер ишлаб чиқариш учун эса, 2400 литр сув керак бўлар экан.



Океанни ҳам заҳарляпмиз

Ҳар йили океан юзасида 260 миллион тонна пластик буюмлар тўпланади. Одамлар ҳар куни икки миллион тонна чикиндини табиий сув ҳавзаларига ташлайди.

“Сув куни” 48 ёшда, аммо...

Ифлосланган ер ости сувлари бир неча минг йиллар давомида тозаланиб келинади. 22 март — Бутунжаҳон сув куни БМТ томонидан 1973 йилда таъсис қилинган. Аммо... инсониятнинг сувга муносабати кун сайин яхши томонга эмас, ёмон томонга ўзгариб бормоқда.

Гулбахор ОРТИҚҲУЖАЕВА
тайёрлади.

XXI аср уруши — реаллик ва виртуаллик



**ТЕЛЕФОНДАН
бошингизни
кўтариб, атрофга
бироз эътибор
билан қараб
кўринг, дунё ҳали
ҳам ранг-баранг,
реал ҳаётда
виртуал оламдан
кўра гўзалроқ
манзараларни
топасиз.**

БИЗ ШУ ДАРАЖАГА ЕТДИК:

БЕҲАЁЛИК ВА ВАҲШИЙЛИК ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНМОҚДА



XXI аср ахборот асри бўлиши билан бир қаторда, реал ва виртуал ҳаёт ўртасида оқибати бир неча асрларга етгулик курашнинг юзига келишига сабаб бўлди.

Интернет тезлашиб, ундан фойдаланиш саводхонлиги ортгани сайин, одамлар виртуал ҳаётга боғланиб қолишмоқда. Виртуал оламдаги турли хил ўйинлар, видео ва аудио чатлар, ижтимоий тармоқлар одамларни ўз домига тортти бораётгани эса ҳеч биримизга сир эмас.

Биламизки, интернетдаги янгиликлар оқимини чеклаш жуда мушкул. Ижтимоий тармоқлар ва сайтлардаги ҳар сонияда янгилашиб турувчи, тахрирдан ҳоли яхши-ёмон янгиликлар жамият онига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Одамлар виртуал ҳаётга тўлалигича мослашиб бўлди.

**КУНДА ИНСОН УЧУН
АЖРАТИЛАДИГАН
24 СОАТНИНГ
ДЕЯРЛИ ЯРМИНИ
ВИРТУАЛ ОЛАМГА
БАГИШЛАЙДИГАН
ОДАМ ТАРМОҚДА
НИМАНИ КўРСА ШУНИ
ҲАҚ ДЕБ БИЛИШИ
ТАБИИЙ ҲОЛ.**

Бу эса жамият учун ёт ғояларнинг омма онига сингишиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда оммалашган Facebook, Instagram, TikTok

каби ижтимоий тармоқларда айримлар ўзларининг интим муносабатлари, шахсий, оилавий масалаларини "пост" қилиб қўйишганининг ҳам гувоҳи бўлаёلمиз.

Болалигимизда бобо-бувиларимиз "Уйнинг гапи кўчага чиқарилмайди", деб кўп ўқитиришарди. Ҳозир эса кўча тугул бутун мамлакат бўйлаб, балки бутун жаҳон бўйлаб тарқалишини истаб қолаяёмиз. Қолаверса, ҳар хил бўлар-бўлмас, бачкана, игво ва фиску фасосдан иборат фикрларни ёзишдан ҳеч чарчамаяёмиз. Ҳар ким ҳаёлига неки келса ёзмоқда, истаган нарсасини ижтимоий тармоқдаги "виртуал дўстлари" билан баҳам кўрмоқда. Кимдир мушугининг суратини Instagramга жойласа, яна кимдир ўртоқлари билан беҳаё ҳолда тушган расминини Facebookдаги саҳифасига жойлаштирмоқда. Турли хил ёшдаги, хоҳ у қари бўлсин, хоҳ ёш бўлсин, ўзига ярашмаган расмлар ва постлар қўйиши одат тусига айлангани эса энг ачинарли ҳоллардан яна биридир.

Машҳур олим Альфред Нобель портловчи моддаларни ихтиро қилганида ушбу кашфиёт инсоният учун катта кулфатлар олиб келишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. У ўз кашфиётидан тоғу тошларни портлатиб йўл очиб, кон казишмалари олиб бориш ва шу каби

якши ишларни кўзлаган ҳам, бизнингча. Бироқ ер юзидан бу кашфиётдан бомба ва портлатгичлар, ажал уруғи сифатида ҳам фойдаланила бошланди.

Умуман олганда, инсоннинг оғирини енгил қилиш, уларга қулайлик яратиш мақсадида яратилган кашфиётлар жуда кўп. Бундай кашфиётлар сирасига интернет, смартфон ва гаджетларни ҳам киришимиз мумкин. Улар ҳам инсонларга қулайлик яратиш мақсадида яратилган. Афсуски, кўпчилиқ бу ихтиролардан ёмон мақсадларда фойдаланмоқда.

Биз интернет, ижтимоий тармоқлар кони зарар деяётганимиз йўқ. Албатта, замонавий ахборот технологиялари ютуқларининг фойдали жиҳатлари борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Фақат ҳар қандай нарсдан фойдаланишда ҳам мезёр бўлиши кераклигини ёдингизга солмоқчимиз, холос. Уйлашимизча, одамлар қимматли вақтларини ижтимоий тармоқлар учун сарфлашлари нотўғри, чунки ҳеч қандай тармоқ жонли, ҳақиқий мулоқот ўрнини боса олмайди. Ижтимоий тармоқлардаги фаоллик, шон-шухрат ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, муҳими, ҳақиқий ҳаётда ўз ўрнини топа билишидир.

Жасурбек ТОҶИБОЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Навойи вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 237-ум-сонли буйруғига асосан Навойи шаҳридаги "NAVOIY HUKUQ ZIYOSI" адвокатлик фирмаси адвокати Бозоров Нурали Давлатовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақоми жорий йилнинг 16 ноябрдан 3 ой мuddатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғриси-

да"ги Қонунининг 16-моддасига асосан Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 320-ум-сон буйруғига асосан Тошлоқ туманидаги "Yulidik madad m" адвокатлик бюроси адвокати Йулдашев Мухторжон Косимовичга 2021 йил 22 февраль куни берилган FE 000352-сонли (12.05.2021 йилда 367-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилган) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

"Инсон ва қонун" газетаси тахририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими

Шухрат НОСИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан у кишининг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси бошқарманинг ФХДЕ органлари фаолияти устидан назорат қилиш шўъбаси бош наслахатчиси Нодира Мирмухамедовага онаси

Хосият КУЛИЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Инсон
ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Журабоевич
Рабиев Шерзод Миржалплович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Набатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навойи кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000
Буюртма — V-4948

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоиси келишилган нархда

1 2 3 4 5

“ИНСОФ сари барака”, деган иборани кўп эшитганмиз. Бировнинг ноинсофлигидан ранжиган одам “инсоф қилинг-да, биродар”, деб қўяди.

ИНСОФ ЎЗИ НИМА? УНИНГ МЕЗОНИ БОРМИ? ОДАТДА, АҚЛ-ЗАКОВАТЛИ, БИЛИМДОН КИШИЛАРНИ “АҚЛИ ЗИЁДА”, “ИЛМИНИНГ ЧЕКИ ЙЎК”, ДЕЙМИЗ. БИРОК, ИНСОФИ КЎП, ЗИЁДА ЁКИ ЧЕКСИЗ, ДЕМАЙМИЗ. ■

Демак, инсофнинг ўлчови, мезони йўқ. У инсоннинг маънавияти, онгу шуурида шаклланади. Кўпинча биз инсоф ҳақида гапирганимизда, бозордаги харидор билан сотувчи ўртасидаги муносабат кўз олдимизда гавдаланади. Агар сотувчи тарозидан урса ёки бирон ноҳўя ҳаракат қилса, “Инсофингиз борми?”, “Уғри бўл, фар бўл, инсоф билан-да”, деб шикоят қиламиз.

Ривоятлардан бирида айтилишича, бир дўкандор юмуш билан уйига бориб келса, шогирди хурсанд бўлиб:

— Устоз, бир тўп газламани тўрт юз дирҳамга сотдим, — дебди.

Бу гапдан дўкандор дарғазаб бўлиб, зудлик билан ўша харидорни топиб келишини айтибди. Шогирд бозор айланаб, харидорни топиб, устозининг ҳузурига келтирибди.

— Узр, тақсир, шогирдим адашиб икки юз дирҳамлик матони тўрт юз дирҳамга сотиб юборибди, — дебди хижолатомуз устоз.

— Мен мусофирман, бизнинг юрtdа бу мато тўрт юз дирҳам туради, шогирдингиз адашмади, берган пулимга розиман.

— Мен эса рози эмасман, — дебди дўкандор, — Бизда бу мато икки юз дирҳам туради, менга бировнинг ҳаққи керак эмас.



Чуқурроқ ўйлаб қарасак, кундалик ҳаётимизда инсоф билан инсофсизлик ўртасидаги чегарани ажратиш гоҳ қийин кечилишни кўраемиз. Бир куни пойтахт бозорларидан бирига рўзгор қилгани бордим. Бозор ораста, замонавий, одамлар билан гавжум. Гала-говур. Атрофни “Кеп қолинг, оп қолинг”, деган овозлар тутган. Хоҳлаган нарсангизни бир зумда топасиз. Олма харид қилдим. Бир килоси арзимаган 7000 сўм экан. Шу арзимаган пул менга қимматроқ туюлди. Иккила-ниб бозорнинг нариги томонида худди шу олма 5000 сўм эканига гувоҳ бўлдим. Ҳа, майли, “Бориға барака” деб бозорнинг марказида ўрнатилган назорат тарозисидан



“ИНСОФ “ҚИЗИЛ КИТОБ”га КИРГАНИГА АНЧА БЎЛДИ...”МИ?

харидимни тортиб кўрсам, нақд 850 грамм чиқса бўладими! Ҳам бўйидан, ҳам энидан уриш, деганлари шу бўлса керак.

■ “ЮЗИНГ ҚОРА БЎЛСА
АЙБ ЭМАС, ЮРАГИНГ
ҚОРА БЎЛМАСИН” ■

Ғазабим қайнаб сотувчининг олдиға бориб, “Инсоф борми, ака, бу олмани қиммат сотганингиз етмаганидек, тарозидан урганингиз нимаси”, десам, ҳалиги сотувчи пинагини ҳам бузмади. “Ҳозир инсоф қолдим, сиз айтаётган инсоф “Қизил китоб”га кирганига анча бўлди, ака! Кўп бошни қотирманг, шунга ота гўри қозихона қилманг, мана, олинг!”, деб икки дона олма узатса бўладими. На куйишни биласан, на кулишни...

Халқимизнинг “Пул ўлсин-а, пул ўлсин”, дея ярим ҳазил, ярим таассуф билан хитоб қилиши бежиз эмас. Баъзан одамлар пул учун ҳар қандай номъақулчиликдан ҳам қайтмаслигини кўриб, ёқа ушлайсан, киши. Озгина “иқтисод” қиламан деб, одамларнинг ҳаққидан уриш қанчалик гуноҳ эканлигини бу сотувчи билмасмикин?!

■ КИШИ ИНСОФИ БЎЛИШИ УЧУН ТОҒНИ УРСА ТАЛҚОН ҚИЛАДИГАН ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, ЗАБАРДАСТ БЎЛИШИ ШАРТ ЭМАС. ИНСОФ МАЖБУРИЯТДАН КЎРА, КЎПРОҚ ИХТИЁРИЙЛИККА АСОСЛАНАДИ. ИНСОФ ИНСОНИЙЛИКНИНГ ОДДИЙ КЎРИНИШИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛАДИ. БУНГА АМАЛ ҚИЛГАН ОДАМ ХЕЧ ҚАЧОН ҚАМ БЎЛМАЙДИ. ■



Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни, яхши ном қолдиришни ўзининг ҳаётий эътиқоди, олий мақсади деб биладиган одамлар жуда кўп орамизда. Айнан ана шундай инсонлар, уларнинг эзгу ишлари сабаб бу ёруғ оламда инсоф ҳамиша барқарор.

Ўз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган, инсофли инсон ҳаётдан мамнун ва рози бўлиб яшайди. Қалби осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг хурматини қозонади. Ҳаётда энгил-епи яшаб, ҳар хил нопок йўллarga берилиб, инсоф, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёға ҳирс қўйган одамлар-чи?! Энг ачинарлиси шуки, бундайлар ҳаётининг сўнги армон ва надоматларға тўлаллигини ҳаётда кўп курганмиз.

Бир нақлда “Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин”, дейилади. Шундай экан, инсоф, виждон деган инсонни улугғловчи, одаминг қадри ва шавкатини кўкларға кўтарувчи фазилатлар сизу бизни тарк этмасин, азизлар!

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
майор

■ Ҳаётда бўлган воқеа

■ АВВАЛДАН айтиб қўяй, бунинг ўзи газетчи бўлганидан кейин “мажбурий обуна”ни ёқлайди-да, деган гумонға борманг!



“МАЖБУРИЙ ОБУНА ҚИЛГАН ИДОРАДАН ХУРСАНДМАН...”

Тўғриси айтиайин, ўқимаган одам ўқимайди, мажбурий обуна деган гапни шу тоифадаги одамлар ўйлаб топишган.

Шу йилнинг айна баҳорида йўлимиз тушиб, Фориш туманининг олис бир ҳудудда ҳаёт кечираётган Қилич ақанинг уйида бўлдик. Тўғриси, мен мезбон билан аввалдан таниш эмасдим. Аммо мени бу жойға бошлаб келган шеригим у киши билан қадрдонлигини яхши билардим. Танишувдан сўнг Қилич ака билан суҳбатимиз қизиди. У киши гоҳ ўтмиш воқеаларини ёдға олса, гоҳ бугуннинг айрим муаммоларини санаб бошни сарак-сарак қилиб сўзларди. Ҳаттоки, суҳбат асносида “мажбурий обуна” ҳам четда қолмади.

Дарвоқе, сизларға Қилич ақанинг қимлигини айтмадим-а? У киши узоқ йиллар чўпонлик қилган, ҳозир эса нафақада. Хуллас, Қилич ака бошидан кўп синовларни ўтказган. Кўп ноҳақликларға дуч келган. Энг муҳими, у инсон бўлганидан рози. Балки, бунга адолат ёлиб келганлиги сабабдир. Бу ҳақда кейинроқ батафсил ёзаман. Ҳозир айна мавриди бўлгани учун Қилич ақанинг бундан бир неча йил аввал газетаға “мажбурий обуна” бўлиб, ҳаётидаги кўп чигалликлардан халос бўлганлиги тўғрисидаги гурунгини келтирмоқчиман.

— Бу воқеаға ўн йилча бўлди. Бошим бориб тошға теккан маҳал эди. Ўшанда тумандаги кўкрагига уриб турган идора борки, ёрдан сўраб борсам ўзимни айбдор қилишар, жарима устиға яна жарима миндиришарди. Бошим гангиб, солиқ идорасига борсам, “ёрдам берамиз, аввал мана бу шартномаға пул ўтказиб келинг”, дейишди. Шартномани ўқиб кўрсам, газетаға обуна бўлиш тўғрисида экан. Бу билан ишим битмаслигини билсам-да, газетаға обуна бўлдим. Ҳар тугул газета ўқиш ёмонмас-ку дедим-да...

Кун кетидан ҳафта, ҳафта кетидан ой ўтади. Бошимдаги етти йиллик муаммо эса арий демайди. Кунига уч-тўртта идоранинг эшиги олдида сарғайман. Шундай изтиробли кунларнинг бирида уйға келсам, аёлим қўлимға газета тутқазиб, обуна бўлган экансиз ташлаб кетишди, деди. Томоғимдан на чой ўтади, на овқат. Газетани бошдан оёқ ўқиб чиқдим, битта мақолада менға ўхшаб сарсон бўлаётган фуқаронинг муаммоси ёзилган экан. Чўкаётган одам хасға ҳам ёпишди, деганларидек кейинги кун газетада ёзилган номерға телефон қилиб, тахририят ходимига бошимдан ўтказаятган муаммоимни айтдим. Шундан сўнг у киши ҳаммасини батафсил ёзиб тахририятға юборишимни сўради. Ўша куннинг ўзида ҳаммасини қоғозға тушириб, газета тахририятға юбордим.

Орадан ўн беш кунлар ўтиб газетадан битта мухбир келди. Аввал мен билан суҳбат қилди, кейин тумандаги тўртта идораға бориб улар билан ҳам гаплашди. Бир ойлardan сўнг газетада менинг муаммоим билан боғлиқ бир саҳифа мақола чоп этилди. Хох ишонинг, хох ишонманг, уч кун ўтиб мени сарсон қилган идораларнинг бошлиқлари қаҳра бошлади. Ҳаттоки, ҳеч қачон қабул қилмаган туман ҳокими ҳам учрашиб кетишимни сўради. Борсам, муаммо ҳам бўлаётганлигини, бу ерда англашилмовчилик бўлганини айтишди. Орадан бир ҳафта ўтиб ҳаммаси изға тушди. Гарданимға тушган жарималардан ҳам қутулдим. Шундан буён ҳар йили тўртта газетаға обуна бўламан, чунки шу газета орқали издан чиқаятган ҳаётим яхши тарафға ўзарди. Улардан бир умр миннатдорман.

Мени ўша газетаға “мажбурий обуна” қилган идорадан ҳам хурсандман.

“Инсон ва қонун” мухбири
Ёрбек ИСКАНДАРОВА ёзиб олди.